БМТ жаҳон мамлакатларининг халқаро ташкилоти бўлиб, давлатлар ўртасида тинчлик, хавфсизликни сақлаш ва мустақамлаш, ҳамкорликни

той ва араб тиллари БМТнинг расмий тиллари ҳисобланиб, асосан инглиз, француз ва испан тилларида иш юритилади.

БМТнинг асосий органлари қуйидагилар:

- 1) Бош Ассамблея;
- 2) Хавфсизлик кенгаши;
- 3) Иқтисодий



ва иқтимоий кенгаши;

- 4) Васийлик кенгаши;
- 5) Халқаро суд;
- 6) БМТ Котибияти.

Бош Ассамблея — БМТга аъзо бўлган давлатлардан ташкил топган бўлиб, БМТ Низоми доирасида ҳар қандай масалани қўриб чиқишга, шунингдек, бу масала юзасидан аъзо

1) 1945 йилда БМТ ҳузурида Маориф, Фан ва Маданият масалалари билан шугулланувчи ташкилот — ЮНЕСКО (инглизча United Nations

конференцияси (ЮНЕСКО) 1964 йили тузилган. Вазифаси халқаро савдони, хусусан, тараққиёт даражасида турлича ҳамда турли иқтисодий ва иқтимоий системага мансуб мамлакатлар ўртасидаги савдони рағбатлантиришдан иборат. Конференция

Иқтисодий ва иқтимоий кенгаш — иқтисодий, иқтимоий, маориф, фан ва маданият, соғлиқ сақлаш соҳаларида халқаро масалалар юзасидан тадқиқотлар ўтказиши, халқаро конференциялар чақиради, ўз ҳуқуқлари доирасидаги масалалар юзасидан конвенциялар лойиҳаларини тайёрлайди. БМТнинг иқтисодлаштирилган муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, барча иқтисодий ва иқтимоий масалалар юзасидан Бош Ассамблея тавсияларини амалга ошириш билан шугулланади.

Бундан ташқари, БМТ Болалар фонди (ЮНИСЕФ), БМТ Махсус фонди ва бошқалар, Европа учун Иқтисодий комиссия (ЕИК), Осиё ва Узоқ Шарқ учун Иқтисодий комиссия (ОУШИК), Латин Америкаси учун Иқтисодий комиссия (ЛАИК), Африка учун Иқтисодий комиссиялар (АИК) Кенгаши ишга ёрдам бериб туради.

Васийлик кенгаши 1946 йили декабрь ойида БМТнинг биринчи сессиясида ташкил топган.

Халқаро суд 1945 йилда ташкил топган бўлиб, давлатлараро ҳуқуқий низоларни қўришга, давлатлар томонидан судга топширилган келишмовчиликлар юзасидан мажбурий қарор чиқаришга ва БМТнинг бошқа ташкилотлари руҳсати билан ҳуқуқий масалалар юзасидан консултатив хулоса чиқаришга ваколатли ташкилот саналади. Унинг штаб квартираси Гаага шаҳрида жойлашган. Суд 15 аъзодан иборат бўлиб, улар Бош Ассамблея ва Хавфсизлик кенгашининг алоҳида мажлисида 9 йил муддатга сайланади.

БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари Декларацияси халқлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларни тўла амалга ошириш, инсоният турмушини яхшилаш, иқтимоий тараққиётга кўмаклашиш каби шiorларга асосланган.

БМТ Котибияти — Бош котиб ва бошқа ходимлардан иборат. Бош котибини Хавфсизлик кенгаши тавсиясига мувофиқ Бош Ассамблея 5 йил муддатга тайинлайди. Бу вазифани 2007 йил 1 январдан Жанубий Корея вакили Пан Ги Мун бажариб келмоқда.

Бу нуфузли ташкилот бутун жаҳон бўйича катта-кичик, оз ёки кўпلىгидан қатъи назар барча миллатларнинг ва эллатларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиди.

Муратбой САПАЕВ,
Ислоом Йўлдошев,
Гурлан енгил санат касб-хунар коллежи ўқитувчилари

Ўзбекистон БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси

ривожлантириш мақсадларида тузилган. БМТни барпо этиш ҳақидаги қарор 1943 йилда собиқ СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Хитой ташқи ишлар вазирларининг Москвадаги кенгашида қабул қилинган. 1944 йили Думбартон-Оксда бўлиб ўтган анжуманда собиқ СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Хитой вакиллари томонидан БМТ Низоми ишлаб чиқилган. 1945 йил 26 июнда Сан-Франциско шаҳрида таъсис анжуманининг қатнашчиси бўлган давлатлар томонидан имзоланиб, ўша йили 25 октябрдан кунга кирган. Дастлаб БМТга 51 давлат аъзо бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб унинг аъзолари сони 192 тани ташкил этади.

БМТ қароргоҳи АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган. БМТ ўз расмий нишони ва байроғига эга, нишонда зайитун шохлари ҳамдан ўралган ёр шарни тасвирланган.

Инглиз, француз, испан, рус, хи-

давлатларга ва Хавфсизлик кенгашига тегишли тавсиялар беришга ваколатли. Бундан ташқари қуйидаги қўмиталар мавжуд:

- 1) Сиёсий ва хавфсизлик масалалари;
- 2) Куролсиланиш ва халқаро хавфсизлик масалалари;
- 3) Иқтисодий, молиявий масалалар ва бошқа қўмиталар, яна иккита доимий қўмита: Маъмурий ва бюджет масалалари маслаҳат қўмитаси; Аъзолик бадаллари қўмитаси фаолият юритади.

Бундан ташқари, махсус қўмита ва комиссиялар (масалан, Космосдан тинчлик мақсадларида фойдаланиш қўмитаси, Халқаро ҳуқуқ комиссиялари ва бошқалар) ҳам тузилган.

БМТ Бош Ассамблеясининг автоном халқаро ташкилотлар ҳуқуқига эга бўлган махсус органлар мавжуд. Ҳозирги кунда 16 та иқтисодлашган муассасаси мавжуд. Булар:

Educational Scientific and Cultural Organisation)га асос солинган. ЮНЕСКОнинг мақсади маориф, фан ва маданият соҳасида мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш йўли билан дунёвий тинчлик ва хавфсизликка кўмаклашидир. Штаб квартираси Франция пойтахти Парижда жойлашган.

2) Бирлашган Миллатларнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалик ташкилоти (ФАО) 1945 йилда тузилган. Асосий вазифаси озиқ-овқат ресурсларини қўлайитириш ва қишлоқ ҳўжаликни тараққий эттиришга ёрдам беришдир. Олий раҳбар органи — унга аъзо бўлган давлатлар вакилларининг Бош конференцияси (икки йилда бир марта ўтланади), олий иқтисодий органи — маъмур давлат вакиллари томонидан сайланадиган Бош кенгаш. Штаб квартираси Италия пойтахти — Римда жойлашган.

3) БМТнинг Савдо ва тараққиёт

уч йилда бир марта чақиради. Штаб квартираси Женева шаҳрида жойлашган. Шунингдек, Жаҳон Почта иттифоқи, Халқаро Электр алоқа иттифоқи, Жаҳон Метереология ташкилоти, Халқаро Меҳнат ташкилоти, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро Фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО), Ҳукуматлараро денгиз маслаҳатлашув ташкилоти (ИМКО), Жаҳон Интеллектуал мулк ташкилоти, Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро Валюта фонди, Халқаро Молия корпорацияси, Халқаро тараққиёт ассоциацияси, МАГАТЭдан иборат.

Бош Ассамблея сессиялари ҳар йили чақирилиб турилади, зарурат туғилса февралда ва махсус сессиялар ҳам ўтказилади.

Хавфсизлик кенгаши зиммасига халқлар ўртасида тинчлик ва хавфсизликни сақлаш масъулияти юкланган.

Тўйхат ўрнида



Эҳтиромга лойиқ инсон

Эл орасида ҳурмат ва эътирофга лойиқ инсонлардан бири, прокуратура фахрийси Воҳитхон Сабитуллаев бугун табаррук 75 ёшини қарши олмақда. Воҳитхон ота иш фаолиятининг қарийб 40 йили Наманган вилояти прокуратураси ҳиссасига тўғри келади. У туман прокуратурасининг терговчиси, вилоят прокурорининг ёрдамчиси, бўлим прокурори, вилоят прокуратурасининг катта терговчиси, тергов бўлими бошлиғи, Косонсой туман прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, узоқ йиллик шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

Наманган вилоятида қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш

ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ўз ҳиссасини қўшди. Меҳнат фаолияти давомида жамоа ходимларига нисбатан талабчан, ҳамфирқ ва жамоат ишларида ҳам соғлом рақобатнинг яратувчиси бўлди. У адолатпарварлиги, хушфелиялиги, шунингдек, чуқур билими билан ҳамкасблар ва шогирдлар орасида ҳурмат қозонди.

Воҳитхон Сабитуллаевнинг фидокорона меҳнати прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Умр давом этаятти. Ҳозирда фарзандлари ва набиралари қуршовида қарилк гаштини суратган Воҳитхон отага оилавий тотувлик, сўхта-саломатлик, хонадонига тинчлик-осойишталик, бахт-саодат доимо ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларини иқтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази



Устозларни, ёши улуглар ҳурматини жойига қўйиш миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ҳазраткул Норкулов ҳам чин маънода ана шундай инсонлар қаторига кирди. Мазмунли ҳаёт ҳамisha инсон умрини безайди, абадийлик ва мангулик сари етаклайди. Ҳазраткул ака ҳам умр йўлини эзгулик нури билан нурафшон этиб, факат яхши фазилатлар билан эл орасида ҳурмат қозонди.

Адолат йўлида

Ҳазраткул Норкулов қарийб 25 йил ҳуқуқ-тартибот тизимида самарали хизмат қилди. Жумладан, у Тошкент вилоят прокуратурасида терговчи, Бекобод шаҳар ҳамда Оҳангарон туман прокурори лавозимларида узоқ йиллар меҳнат қилиб, ишчанлиги, қонунбузилишларга муросасизлиги ва бурчга садоқат, фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқнинг муҳофаза қилиш органлари ҳамда жамоатчилик орасида ҳурмат қозонди.

Иш фаолияти давомида устоз даражасига этиб, қўллаб шогирдлар тайёрлади.

ўзининг тажрибаси билан ўртоқлашди. Қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустақамлашга қўшган ҳиссаси, узоқ йиллик меҳнати прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди. Бугунги шодиёна кунда 75 ёшни қаршилаётган Ҳазраткул акага ва она аъзоларига сўхта-саломатлик, хонадонига тинчлик-осойишталик, файзу барака тилаб қоламиз. Яқинларингиз бахтига доимо омон бўлинг!

Huquq
yuridik gazeta

To' sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriiddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-82, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Buyurtma G — 255, 27486 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: Sh.YODGOROV
Mas'ahilchi: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharh» NMK bosmaxonasida o'set usulida chop etildi. Korxonamanzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 21.00 2345678



Тинчликни сақлаш йўлида

Маълумки, 3 март куни Непалда мамлакатнинг Синдхули маъмурий округидаги исёнкор-маочилар лагерига инспекцияда бўлиб қайтаётган, БМТ ваколатхонаси аъзолари кетаётган «Ми-8» русумли вертолёт ҳалокатга учраган. Маҳаллий вақт бўйича соат тўртларда вертолёт катта тезликда тоққа урилиб кетган. Авиаҳалокат Рамечал округидаги Бетхан кишлоғи яқинида рўй берган.

Шу муносабат билан БМТ бош қотиби Пан Ги Мун Непалдаги авиаҳалокатда қурбон бўлган уч нафар экипаж ҳамда БМТ ваколатхонаси аъзоларининг қариндошларига чучук таъзия изҳор этди.

Охиргиси рад этилди

«Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, сешанба куни Россия ҳамда Хитой атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) томонидан Эрон масаласи юзасидан тақдир этилган резолюцияни тўхтатиб қўйди. Манбааларда кўрсатилишича, ушбу давлатлар вакиллари резолюция тейёрланиши борасида хабардор қилинмаганликлари сабаб тўхтатиб қўйишни қўллаб-қувватлашга қарор қилишган. Таъкидлаш кераки, МАГАТЭнинг резолюциясидан аввал БМТ резолюцияси тасдиқланганди. Балки шунинг ўзи ҳам дипломатларга етарли кўрингандир, деб ҳисоблайдилар айрим кузатувчилар.

Эслатиш жоизки, Эрон ҳукумати уран моддасини бойитишни тўхтатиш ҳамда БМТнинг аввалги иккита резолюцияси талабларини бажаришдан бош тортганлиги сабаб 3 март куни ташкилот хавфсизлик кенгаши навбатдаги резолюцияни тасдиқлаганди. Янги резолюцияда Эронга қарши жорий этилган иқтисодий жазо чораларини қучайтириш назарда тутилган, шунингдек, мамлакат ядро дастурини ишлаб чиқишда иштирок этган 18 нафар шахсга чет элга чиқиш ҳам маън этилган. Қабул қилинган ҳужжат учун БМТ хавфсизлик кенгашидаги 15 давлатдан 14 таси розилик берган. Резолюцияга мувофиқ, Эрон 90 кун ичида уран моддасини бойитиш бўйича барча ишларни тўхтатиши ва аввалги иккита резолюция талабларини бажариши лозим.



Антиқа қотиллик

«Росбизнесбанк» бошқаруви раиси Иван Кивелиди қотилликда айбдор деб топилган «Росэкспортлес» АЖ бош директори ўринбосари Владимир Хуцишвили адвокатларининг пойтахтнинг Замоскворецк суди ҳукми устидан ёзган шикоятга қўриб чиқилмаган бўлди. Хуцишвили адвокатларидан бири Оксана Познякнинг айтишича, шикоят 17 март куни муҳокама қилинган. Банкир ҳамда Россия Федерацияси қошидаги тадбиркорлик фаолияти бўйича кенгаш аъзоси бўлган Иван Кивелиди 1995 йилнинг августидан ўлган. Тергов давомида аниқланишича, у қучли таъсир кўрсатувчи заҳар ёрдамида ўлдирилган экан. Заҳар банкирнинг ишхонасида турадиган телефон гўшага суртилган. Кивелиддан ташқари бу заҳардан унинг котибаси Зара Исмаилова ҳам зарарланиб ўлган. Биринчи марта Владимир Хуцишвили «Росбизнесбанк» раҳбари ўлдирилгандан сўнг бир неча кун ўтиб ҳибсга олинган. Тергов материалларидан маълум бўлишича, Хуцишвили қотиллик содир этилган куни банкир келишидан олдин уни бир соат мубайнида ишхонасида қўчиб ўтирган. Бу вақт давомида Хуцишвили нима билан шуғулланганини ҳатто ким кўрмаган. Лекин, далиллар етарли бўлмаганлиги сабабли Хуцишвили қўйиб юборилганди. Уша йили у чет элга чиқиб кетиб, шу билан 2006 йилда Москвага қайтиб келганди. Келиши биланқоқ Хуцишвили яна ушланиб, заҳар солинган ампулани сотиб олганликда ва у билан Кивелиди қотилликдаги телефон гўшагини заҳарланганликда айб эълон қилган. 2007 йилнинг декабри ойида Хуцишвили қасддан қотиллик содир этганликда айбдор деб топилди, 9 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, деб хабар қилади «Риа Новости» агентлиги.



ЧАВЕС АЙБДОРМИ?

Колумбия Президенти Альваро Урибе венесуэлалик ҳаммаси Уго Чавеснинг марксистик исёнчиларни молиялаштиришга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжатларни жиний ишлар бўйича Халқаро судга топширишини билдирди. «France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, Колумбия ҳукумати Чавесни «геноцидни молиялаштиришда» айбламқчи. Мазкур ҳужжатлар Колумбия революцион қуроли қучларининг Эквадор ҳудудида жойлашган исёнчилар лагерига мамлакат харбийлари томонидан қилинган ҳужум натижасида қўлга қиритилган. Ушбу ҳужжатлардан маълум бўлишича, Чавес ҚРҚК

ташкilotини молиялаштиришга 300 миллион доллар миқдоридан пул ажратган, шунингдек, исёнчиларга 50 килограмм уран моддасини сотиб олишда кўмаклашган. Уз навбатида Венесуэла томони барча айбловларни рад этиб, Колумбия полицияси бошлиғи Оскар Наранхони наркотик моддалар савдосига алоқадорликда айблади. Таъкидлаш жоизки, исёнчиларнинг Эквадордаги лагерига қилинган ҳужум натижасида ҚРҚК ташкilotидаги иккинчи рақамли шахс Рауль Рейс ўлдирилган. Эквадор ҳукумати эса Колумбия мамлакатнинг ҳудудий ялпитлигини бузганлигида айблаг, расмий Богота билан барча диплома-

тик алоқаларни узди. Бу ҳолатга изоҳ берган Чавес, агарда бундай вазият Венесуэлада рўй берганида албатта уруш бўлишини таъкидлади. Чавес баёнотидан сўнг, Венесуэлдан барча колумбиялик дипломатлар чиқариб юборилиб, чегаралар ёпилди. Шунингдек, мамлакат чегара ҳудудига қўшимча ўнга харбий батальон олиб келинди. Уч давлат ўртасида юзага келган инқироз 4 март куни Америка давлатлари ташкilotининг навбатдан ташқари йиғилишида муҳокама қилинди. Лекин, ҳозирча йиғилиш муҳокамаси қутилган натижаларни бермади. Маълумки, жиноят ишлар бўйи-



Сиёсат учун жон фидо

Япония парламенти биноси олдига ўз жонига суиқасд қилган одамнинг нима сабабдан бу ишга қўл урганлиги маълум бўлди. Полициячиларнинг айтишича, унинг қўлида мамлакат бош вазири Ясуо Фукуда номига иккита хат бўлиб, уларда ташқи сиёсатни қайта қўриб чиқишга, хусусан Хитой билан муносабатларни янада мустаҳкамлашга оид талаблар ёзилган экан.

Ўз жонига қасд қилган 58 ёшли шахс (исми шарифи сир сақланмоқда) осакалик ультра ўнг гуруҳ аъзосидир. Байрамона кийинган ҳолда у парламент олдига таксида келган. Автоматини парламентнинг асосий дарвозалари олдига тўхтади. У таксидан тушиб, машиналар йўлида пистолетдан бошига ўқ узди.

Таъкидлаш кераки, Японияда ўқ отар қурооларни ёнида олиб юриш қатъиян маън этилган. Қонунга мувофиқ фақатгина полициячи ёки харбийлар ўзларида қурол сақлашлари мумкин. Шу боис, полициячилар қуроолни сақлаш жиноятига оид тергов-суриштирув ҳаракатларини бошлаб юборди. Мамлакат парламенти император саройи ва яна бир қатор бошқа маъмурий идоралар билан биргаликда пойтахтнинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, жуда қучли қирилган. Бундай ҳолатлар полиция ама-лиётида жуда кам учрайди. 2005 йилда парламент яқинидаги бош вазир қароргоҳи олдига бир аёл ўз жонига қасд қилганлиги, Кейин-чалик аниқланишича, у шу йўсинда ўша вақтда ҳукумат тепасида бўлган бош вазир Дзюньитиро Коидзуми сиёсатидан норозилигини билдирганлиги.

Мемфис қурбонлари

АҚШнинг Мемфис шаҳрида рўй берган фожеа сабаблари ўрганилмоқда. Маълумки, шу ҳафтанинг душанба куни Мемфисдаги уйлардан бирида олти кишининг жасали топилган, уларнинг икки нафари 12 ёшга тўлмаган болалар эди. Шунингдек, яна уч нафар бола ярадор ҳолда шифохонага келтирилган. Фожеа рўй берган уйга қўшни яшовчи кишилар ушбу хонадон ижарачисининг ўқ отар қуроли бўлганлигини ва байрам кунлари бир неча маротаба бу уйдан ўқ овози эшитилганини тасдиқлашди. Уй эгаси Роб Робсоннинг айтишича, жиноят бу уйда ижарада яшовчи 32 ёшли Сесил Дотсоннинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ бўлиши мумкин. Дотсон уйни 550 долларга ижарага олган. Ундан ташқари, бу ерда унинг севган аёли ва бир нечта ёш болалар яшаган. Ачинарлиси, улар кўчи-қўшни билан яқин алоқа қилмаганлиги сабаб хонадонда неча киши яшаганлигини аниқ айтиб бўлмайди. Уй эгасининг гапига қараганда, ижарачилар жуда мулозим бўлишган ҳамда ижара ҳақини ҳеч кечиктирмай вақтида тўлаб келишган. Бироқ бир неча марта Робсон Дотсоннинг собиқ турмуш ўртоғи ҳамда севган аёли билан телефондаги сузлашувини эшитиб қолган. Унинг кўрсатмаларига қўра, бу вақтда Дотсон жуда балинд товушда гаплаганиб, жуда асабиллашарди. Бу кўрсатмаларнинг ўзи полициячилар учун Дотсон асаб касалигига чалинган шахс экан деган ҳулоса қилишга етарли эмас, албатта. Ҳозирча, Мемфис полицияси мазкур жиноят юзасидан ҳеч бир изоҳ бермаётти, деб хабар қилади «AP» ахборот агентлиги.



Қамоқда қийналган трейдер

Француз «Societe Generale» банкининг трейдери Жером Кервель унга нисбатан қўлланган қамоқ тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириб, гаровга озоқ қилишларини сўраб судга мурожаат этди. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, трейдернинг мурожаати суд томонидан 14 март куни қўриб чиқилди.

31 ёшли Жером Кервель фибригаликда айбонлиб, бир ойдан бери қамоқда сақланмоқда. Собиқ трейдерга ҳужжатларни сохталаштириш, ноқонуний равишда ҳаммаслар компьютерларидан фойдаланиш ҳамда биржада ноқонуний молиявий операцияларни амалга ошириш айблови қўйилган. Терговда аниқланишича, Кервель биржада жами 50 миллиардлик бир неча савдо-сотик операцияларини ўтказган. Бу маблаг «Societe Generale» банкининг хусусий капиталидан ошиб кетди.

Тергов материалларидан маълум бўлишича, Кервель бир неча йил давомида биржада ноқонуний молиявий операциялар билан шуғулланган. Унга 500 минг евро миқдоридан фойда келтирган илк операциясини трейдер 2005 йилда ўтказган. Бундан ташқари, Кервель банк раҳбарияти унинг барча ҳаракатлари тўғрисида хабардор бўлганлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

2008 йилнинг январидан «Societe Generale» банки Жером Кервельнинг биржадаги ўйинлари туфайли 4,9 миллиард доллар миқдоридан зарар кўрган. Айнан шу ҳолат тергов ҳаракатлари бошланганига тўртки бўлган.



Заҳар тўла вагонлар

Калифорния штати жанубида сешанбага ўтар кечаси юк ташувчи поезднинг 30 та вағони рельслардан чиқиб кетган, деб хабар қилади «AP» ахборот агентлиги. Авариянинг ўта хавфли томони шундаки, цистерналарнинг айримларида фосфор кислотаси ва гидрохлорид заҳарли моддаси мавжуд бўлган.

Мазкур авария Лос-Анжелес шаҳридан 225 километр жануби-шарқда жойлашган аҳоли кам турадиган ҳудудда рўй берган. Рельслардан «Union Pacific» компаниясига қарашли 65 вагондан 30 таси чиқиб кетган. Уларнинг деярли ярми заҳарли кимёвий моддалар билан тўлдирилган. Маҳаллий ҳокимият вакиллари айтишича, авария натижасида заҳарли моддалар ташқарига чиқиб кетган. Яқин орадаги 40 та хонадонда яшовчилар хавфсиз ҳудудларга кўчирилган. Ҳозирда воқеа жойида хавфлилик даражаси ҳамда авария сабабларини аниқлаш бўйича махсус комиссия фаолият кўрсатмоқда.



«Internet» хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти жамоаси департаментнинг Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи Исоқ Жамоловга фарзанди **ЗУХРИДДИНЖОННИНГ** бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Хоразм вилоят прокуратураси жамоаси Янгиариқ туман прокуратури-нинг ёрдамчиси **Отаназар СОРИЕВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чучук таъзия билдиради.

Муҳаммадодил эрталаб кўчага чиққанида милиция ходимларига рубаруб келди.

— Насиб сизникидами?
— Ҳа, тинчликми? — Муҳаммадодил талмов-сарида.

— Қани юринг-чи!..
Насиб ҳўрада улаётганди. Ечиб қўйган кўйлак-шимларидан қонга ўхшаш қорамтир-қиз-ғиш доғлар кўзга ташланди.

— Қаёққа, нимага? — уйқуираб сўради у.
— Узинг яхши биласан, нимагаллигини. Тур-э, сендака...

Насиб кийинаётди, тагин юзига тизиллаб қон отилаётгандай севсанди. Эўравоннинг бўйи-га тикиб олган пичоқни кеча ювиб, тўр халтасига солиб қўйган эди. «Улипти-да!» дея хаёлидан кечирди. «Баттар бўлсин, ўзига ўлим тилаб олди!»

— Уч марта қамалиб чиқибам, одам бўлмадинг! — деди уни олдига солиб бораётган ҳудуд ноэри.

«Ота-онам бўлатуриб, тирик етимга айлан-

сафога сарфлайверди. Ўғирликка ҳам қўл урди. Уч йилга озодликдан маҳрум қилинди. Қамқондан қайтганида хотини Мавжудхон ажралган эди. Бир-икки ҳол сўраб келган Ҳамрохон аясига қўл кўтарди. Кекса бувиси дардга чалиниб, тўшака михланиб қолганида ақаси Шўкрулло ўйга олиб кетиб қаради. Насиб бунининг ҳовлисини сотиб юборди. Ҳовлини олган одам кўпқаватли турар-жой биносидан бит-та квартира то-пиб берди.

Ҳовлининг пулини ичиб ту-гатгач, ўғирлик қилиб, бир йил-у саккиз ой қамоқхонада

Ўтган йил 6 май куни эрталаб, Насиб мардикор бозорига йўл олди. Йўл четига тўхтаган машинани одатдагидай, бир неча ишга махталлар ўраб олишди.

— Эр чоғиш керак, — деди нотаниш одам.



ЖАБРЛАНУВЧИ... ҚОРА КУРСИДА

маганимда, балки одам бўлармидим?», у алам билан лабини тишлади. Тўрт яшарлигида ота-онаси ажралди. Онаси Шўкрулло ақаси ва уни бувисининг қўлига топшириб, бошқа одамга турмушга чиқиб кетди. Ҳар замонда бир болаларидан хабар оларди-ю, тобора узоқлашиб, беғоналашиб борарди. Шўкрулло ювнш, ҳеч қимни айбиситмасди. Ақсинча, улғайиб, эсини таниган Насибнинг туқдан онасини кўрага кўзи йўқ эди. Онда-сонда кўриниш берганида назар-писанд қилмас, жеркиб ташларди. Ақасидан фарқли ўлароқ серзарда, енгилтабиат, уришқоқ бўлиб вояга етди. Оғир-вазмин Шўкрулло йўлини топиб кетди. Уйланиб, алоҳида ҳовли-қўй қилди.

Саккизинчи синфини битириб, ҳўнар-техника билим юртида ўқиган Насиб ҳарбий хизматни битиргач, Мавжуддага уйланди. Фарзанд кўрди. Бирок, биронта ишининг этагидан тутмади. Дўх келган юмушни қилиб, тоған пулини қайфу

жазони ўтади. Бир хонали квартирани ҳам сотиб, тагин қайфу сафога берилди. Пули туғана-нидан кейин яна ўғирлик қилиб қамалди.

Жазони ўтаб тўғилиб ўсган шахрига қайтганида, кел дейдиган биронта ақин одами қолмаганди. Қайғилигидга уришиб, жанжаллашавериб, ақаси, қариндошу биродарларини бездириб юборганди. Ҳар куни эрталаб мардикор бозорига йўл олар, бирваларнинг уйда ҳар хил ишларини қилиб кун кўра, дайди каби кўча-кўйда, дўх келган ерда ётиб, тонг оттирарди.

Муҳаммадодил билан мардикор бозоридан танишди. Бир одамнинг уйда уч кун ишлашди. Иш ҳақини олганларидан кейин кечки пайт ошхонада ароқ ичиб ўтиришди. Унинг бошидан кечирганларини тинглаб ўтириб, Муҳаммадодил таваққал одамгарчилик қилди. Пешонасига «ўғри» тамғасини уриб олган, 43 ёшга кирган дайдига уйдан жой берди. У бир йилдан бўён шу ҳовлидаги ҳўрада яшаётган эди.

— Қанча ер?

— Йигирма сотиҳа.

— Қанча берасиз?

— Беш миғ...

— Ким боради, ким? — дея бир-бирларига қараб нари кетишди. Насиб бошини қашлаб турарверди.

— Етти миғ берсангиз...

— Олти миғ...

— Бўпти...

У кечгача ишлаб, ҳақини олганидан кейин шаҳарга қайтди. «Дехқон бозори»даги чойхонада овқатланиб ўтирди. Соат саккизларда буюм бозори тарафга юрди. Ҳар доим пичоқ солиб юрадиган, иш қийимлари солинган тўр халтасини кўтариб бораётганда Муҳаммадодил бир оғайнис билан рўларасидан чиқди. Иккаласининг ҳам бироз қайфи бор эди.

«Уша куни соат ўн иккиларда ёғ вазоди ёнидаги кўчага оғайнин Тойнинг уйига бордим.

Халқимизда «кишига мансаб бер-да сина» деган гап бор. Бу бежизга айтилмаган. Сабаби, атрофдагилар туппа-тузук, бинойидай деб билган кишилар ҳам баъзан бирор мансаб курсисига ўтиргач, босар-тусарини унутиб қўяди. Ўзларига ишониб топширилган вазифани масъулият эмас, ноқонуний даромад топиш воситаси деб биладиган бу тоифа одамлар таъмағирлик, порахўрлик, коррупция жиноятлари кўчасига кириб қолганларини сезмай қолишади. Охир-оқибат эса ўзларини суднинг қора курсисига кўришади.

Ҳамшаҳримиз Нофал Пулатовни билганлар келажаги бор кадр деб билишар эди. Кўп йиллар турли идораларда ишлаб тажриба ортирган Н.Пулатов бир йилча олдин Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси маркетинг бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. Унинг хизмат вазифалари кенг қамровли бўлиб, асосан туманлар кесимиди Республика Президентининг «Ўзбе-

ишониб топширилган вазифани ноқонуний даромад топиш учун илҳомия деб уйлаб, таъмағирлик йўлига ўтиб олади.

Мазлумки, 2007 йилдан умумтаълим муассасалари алоҳида юридик макомга эга бўлгач, Бош бошқарма томонидан «Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларида ўқувчиларни овқатлантиришни яхшилаш ҳақида»ги буйруғи чиқари-

қолади. «Nazifar» МЧЖ ва мактаблар ўртасида тузилган ижара қилмишларнинг амал қилиш мuddати 2007 йилнинг охиригача, яъни 31 декабргача қилиб белгиланган бўлса-да, Н.Пулатов бу шартномалар бекор қилинишини айтиб С.Мазруповани ҳайрон қолдиради. Шундан сўнг Н.Пулатов мuddаога кўчада ва «агар 400 АҚШ доллари олиб келсангиз, бу шартномалар бекор қилинмайди, керак бўлса кейинги ўқув йилида ҳам мана шу мактабларда фаолият олиб боришингизни кафолатлайман» қабилида гап қилди. Турган гапки, бу «таклиф»га С.Мазрупова рози бўлмади.

Шундан сўнг, жаноб Н.Пулатов ўз мансабини суиистеъмол қилиб, турли йўллар билан тадбиркорга

ХОРИЖГА ҚОЧГАН ЭДИ...

Жалолiddин уйига телефон қилди. — Тайинли бир иш йўқ. Мардикорман. Қорнимни аранг тўйдиряпман. — Қайтгин. Мелисага ўзинг тавба қилиб бор.

— Тагин қамалсам... Энди амнистияга тушмайман...

— Терговчи айтиди, агар ўзинг келиб учрасанг, енгиллик бериларкан!

— Қани, бир гап бўлар...

Жалолiddин ўйлай-ўйлай ўзга юрда итнинг қунини кўргандан кўра, ўзини суд иктирига топширишни афзал билди. Россиядан қайтиб келиб, турман ИИБга ўз оғби билан борди. Терговчиға иқрономани ёзиб берди...

Эзининг қоқ ўртаси, эрталабдан кун қизиб кўнгилни лоҳас қилади. Жалолiddин тушга яқин Алихон ақанин хонадонига кириб борди. Тўйда ўзини қўйиб юборди. Кетма-кет ароқ ичиб маст бўлиб қолди. Еши улуг Маҳмудали ака билан гап талашиб сенашга ўтди. Унинг ҳам қайфи тароқ эди, ёқасидан олди. Мехмонлар, қўниқўшилар ўртага тушиб ажратиб қўйишди. Жалолiddин тагин ичкарига интилганида Қодиржон қўлтиғидан олди.

— «Барда ўтирамиз...

Тошлоқ шаҳарчаси марказидаги Зоҳидхоннинг «Барига» бориб, мусдеқ пивони симириб ўтиришди. Ароқнинг устига пиво ичган Жалолiddин баттар маст бўлиб қолди. Шу пайт қарданدير Маҳмудали ака пайдо бўлиб, уланин чангитиб сўқди. Иккаласи бир-бирининг ёқасига ёпишди. Маҳмудали ака бир мушт урганда Жалолiddин ёнидаги столга қалишди. У ўрнидан туришга интилаётган пайтда кўзи стол устидаги пичоққа тушди. Бир зумда пичоқни чангаллаб, яна унга ақинлашаётган рақибининг бикиннга, қорнига санчди. Қилар ишни қилиб қонни кўргандан кейингина Жалолiddин ўзига келди. Довдирганча пичоқни ташлаб, ташкарига қочди.

Бикинини чангаллаган Маҳмудали ака «тез ёрдамга олиб боришларини

истамади.

— Уйга обориб қўйинлар...

Кўчада енгил машина тўхтапти, уни уйига жўнатиб юборишди. Маҳмудали ақанин бир алфозда олиб келинганидан кўржи кетган уйдигалар зудлик билан уни касалхонага элттишди.

ИИБ ходимлари Бирлик қишлоғидаги Жалолiddиннинг уйига кириб боришганида у жуфтук ростлашга улгурганда...

Судда Жалолiddин Осимов мастлигида иззатталаблик қилиб, Маҳмуд ака билан жанжаллашганини, оқибатда унга пичоқ санчиб қўйганини, у омон қалгани билан, чет элдан қайтиб келиб ўзини милицияга топширганини, жабрланувчидан кечирим сўраганини баён этди.

Жабрланувчи соғлиғини йўқотиб даволангани учун етказилган зарарни судланувчидан ундириб беришни сўради. Бирок, тегишли ҳужжатларни тақдим этмагани учун суд Маҳмудали Осимидинов зарарни ундиришни қўлаб, фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этиши лозим деб топди.

Қарс икки қўлдан чиқади, деганлариди М.Осимидинов судланувчи каби тўйда маст бўлиб жанжаллашганига етмаганидек, туман марказидаги «Барга» бориб, жанжални давом эттирган. Оқибатда ўртача оғирликдаги тан жароҳати олган.

Суд Ж.Осимовнинг қилмишидан пшаймонлигини, айбига тўлиқ иқролригини инобатга олиб, унга ахлоқ туза-тиш ишлари жазосини тайинлади.

Жиноятлар, маъшият тоифадаги жиноятларнинг ақсарияти ичкиликбозлик оқибатида содир этилади. Марғилон шаҳрида билгани каби туманда тўйлар-ни спиртли ичимликларсиз ўтказиш юқоридаги каби тўқнашувларни олқини олади. Қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари ана шу максасди қўлаб, фаол иш қўришлари лозим.

М.РАСУЛОВ,

Тошлоқ туман прокурори Ўрдамчиси

ТАЪМАГИР

кистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва соҳасини ривожлантиришни жаддаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини молялаштириш тартибини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорлари иқросини назорат қилиш, бўлимга тааллуқли буйруқ-йўриқларини тайёрлаш, бўлим ишларини режалаштириш, иқроси учун жавоб бериш, туман маркетинг бўлиmlари фаолиятини назорат қилиш, вазирликдан юборилган ҳужжатларни қўйи ташкилотларга етказиш, иқросини таъминлаш, таълим муассасаларидаги бўй жойларни ижарага бериш ва бошқа имкониятларини ўрганиб чиқиш, мактаб ошхоналарида ўқувчиларни овқатлантиришни ташкил этиш қабилар кирар эди. Дастлаб Н.Пулатов вазифасига масъулият билан қараб, атрофдагиларнинг эътиборига ҳам тушди. Аммо бу узоққа чўзилмади. У ўзига

либ, унга асосан мактаб ошхоналари фаолиятини яхшилашга доир тартиб ишлаб чиқилади. Мазкур тартибга мувофиқ, умумтаълим мактаблари директорлари Бош бошқарма розилиги билан ўзлари раҳбарлик қилаётган муассаса ошхоналарини ҳўжалик юритувчи субъектларга ижарага бериш тўғрисида шартнома тузишлари керак. Қисқа мuddат ичда пойтахтдаги барча мактабларда 30 дан ортққ ҳўжалик юритувчи субъектлар билан ижара шартномаси тузилиди.

Ана шундай ҳўжалик юритувчи субъектлардан бири «Nazifar» МЧЖ 2006-2007 ўқув йилида Шайхонтохур туманидаги 26 та ва Миробод туманидаги 6 та умумтаълим мактаби билан ижара шартномаси тузиб, ушбу мактаб ошхоналарида фаолият бошлаган эди.

2007 йилнинг май ойининг бошларида жаноб Нофал Пулатов «Nazifar» МЧЖ раҳбари С.Мазруповани ўз хизмат хонасига чақириб

таъйиқ ўтказга бошлайди. Ҳатто «Nazifar» МЧЖ билан тузилган ижара шартномаларини бекор қилиш ҳақида Бош бошқарма номидан қат тайёрлаб Шайхонтохур туман халқ таълими бўлими мудирига жўнатади. Вазиятнинг бунақа тус олганини кутмаган С.Мазрупова Н.Пулатов сўраган пулни бериш-дан бошқа чораси қолмайди. Аммо шу орада у қатъий бир қарорга келади ва ҳўқуқ-тартиб органига ариза билан мурожаат қилади.

Мазкур ариза ўзасидан ўтказилган тезкор тадбир натижасида Н.Пулатов ўз хизмат хонасида 400 АҚШ доллари пора тариқасида олаётганда жиноят устида қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳўқими билан Н.Пулатов қилмишига яраша жазосини олди.

Ҳамид АКРАМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
АМИБ терговчиси